SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 3 (3) - 2023

# ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

# АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

# ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: https://scienceproblems.uz

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

## *№ 3 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликов Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Рахман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

**ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуротовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович –** юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Хашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна –** педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шохида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васила Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбаҳор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна –** психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович –** психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна –** социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович –** социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна –** социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

**СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.
**Электрон манзил:**
scienceproblems.uz@gmail.com

**М У Н Д А Р И Ж А**

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*
QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ........ 9-14

*Шуҳрат Эргашев*
ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ ........ 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*
ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ........ 24-29


## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Файзиева Ширин Шодмоновна*
АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ........ 30-35

*Мусагалиев Ажинияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ........ 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*
TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ........ 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O‘rmonov Xasanboy Xaydarovich*
KOMPANIYALARNING MOLIYAVIY TO’LOVGA LAYOQATSIZLIGI XAVFINI ANIQLASH ........ 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*
MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI - BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ........ 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*
MEVA-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI ........ 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*
KORXONALARIDA ISHLAB CHIQARISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ........ 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*
O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINING RIVOJLANISHIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH ........ 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ........ 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*
AYLANMA MABLAG‘LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING ASOSIDIR ........ 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH MASALALARI ........ 120-130

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОИЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ...... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*
TASAVVUF TA’LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ........ 138-143

*Sharipov Dilshod Baxshilloyevich*
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO‘YICHA TAHLILI ........ 144-148

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ........ 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Qudratillayevna*
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND AND VISUALLY IMPAIRED ........ 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэльевна*
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « и «ЖЕНА» В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ........ 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ........ 167-171

*Shirinova Yekaterina*
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ........ 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фархад Қалбаевич*
ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*
QASDDAN ODAM OʻLDIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*
"HAYOT DAVOMIDA TA'LIM" – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEXANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*
BOʻLAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yoʻldoshevich*
YUQORI SINF OʻQUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*
ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*
HARAKATLI OʻYINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*
ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*
YADRO FIZIKASI BOʻLIMLARINI OʻQITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARINI QOʻLLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*
TALABALARNING BADIIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURATI VA PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

*Ruzmetova Novval Vahabdjanovna*
THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS ........ 261-269

*Raxmatov Otabek Urinbosarovich*
BOʻLAJAK JISMONIY TARBIYA OʻQITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI ........ 270-274

*Makhmudov Furqat Djumaboyevich*
YORUG’LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG’LIK KVANTI MAVZUSINI OʻQITISH USULLARI ........ 275-281

*Бабахова Гулзиба Зиятбаевна*
К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА ........ 282-289

*Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich*
KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA’LIMNI TA’MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA ........ 290-296

*Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна*
КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ........ 297-301

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Файзиева Ширин Шодмоновна**
ҚарМИИ "Инновацион иқтисодиёт"
кафедраси доценти, и.ф.н.

## АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда ташкил этилган агрокластерлар фаолияти, маҳсулот етиштирувчилар билан агрокластерлар ўртасидаги ҳамкорлик, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, яратилган имкониятлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида фикр юритилган.
**Калит сўзлар.** кластер, агрокластер, озиқ-овқат, тадбиркор, фермер, кредит, кооперация, омборхона, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, лойиҳалар

**Файзиева Ширин Шодмоновна**
Кандидат технических наук, доцент кафедры
«Управление бизнесом и инновациями», КИЭИ

## РОЛЬ СОТРУДНИЧЕСТВА АГРОКЛАСТЕРОВ И ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ В ЭКОНОМИКЕ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается деятельность созданных в нашей стране агрокластеров, сотрудничество производителей и агрокластеров, принятые нормативные документы, созданные возможности и существующие проблемы.
**Ключевые слова.** кластер, агрокластер, еда, предприниматель, фермер, кредит, кооперация, склад, плодоовощеводство, животноводство, проекты

**Fayziyeva Shirin Shodmonovna**
Associate professor at the Department of
«Business and Innovation Management» of KIEI, Ph.D

## THE ROLE OF COOPERATION BETWEEN AGROCLUSTERS AND PRODUCERS IN THE ECONOMY

**Abstract.** This article discusses the activities of agricultural clusters created in our country, cooperation between producers and agricultural clusters, adopted regulatory documents, created opportunities and existing problems.
**Keywords.** cluster, agrocluster, food, entrepreneur, farmer, credit, cooperation, warehouse, horticulture, animal husbandry, projects.

https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N04

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шу каби муаммоларга тезкор ечим топиш, соҳага янги механизмларни жорий этиш мақсадида қабул қилинган эди. Қарорга асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 174 ва озиқ-овқат соҳасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 24 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мавжуд самарасиз боғлар ўрнида 36 минг гектар интенсив боғлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш, қарор мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлар ва фермерларга янада кенгроқ тушунтириш мақсадида ташкил этилган семинарда соҳага доир янгиликлар, мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Тегишли дастурларда белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали татбиқ этиш юзасидан фикр алмашилди.

Агрокластерларни ривожлантириш тўғрисида хорижлик олимларнинг асарларида Н.В.Мордовченков, П.Г.Николенко, Ю.С.Клюевалар томонидан назарий тушунчалар, инновацион-иқтисодий ва ташкилий механизмлари ҳақида фикрлар келтирилган. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш агрокластерларни барпо этишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарурияти, жумладан, Жанубий Корея давлати тажрибасининг иқтисодий, ташкилий ва институционал жиҳатлари таҳлиллари асосида, Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва самарали фаолияти учун чора-тадбирлар тизимиga қаратилган илмий ечимлар Ч.Муродов, Ш.Хасанов, М.Муродова [6] каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмалари қаторидан ўрин олган. Бугунги кунда ушбу фикрларга ёндашган ҳолда таҳлиллар юритиш тақазо этилмоқда.

Таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортини кўпайтириш борасида муҳим масалаларни ҳал қилишга киришилган. Жумладан, жаҳон бозоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосий устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жойлардаги ҳолат таҳлил қилинганда, бугунги кунда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 тумандаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги, боғдорчилик ва узумчиликдаги аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари ташкил қилинди. Бу тизимдаги лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш учун ҳар икки агентликда махсус жамғарма ташкил қилинди. Бу эса тадбиркорлар ва фермерлар учун янги имкониятлар яратади.

Интенсив боғдорчиликда биринчи маротаба бир қатор имтиёзлар жорий қилинди. Жумладан, интенсив боғларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 1 гектарга қилинган харажатнинг 6 миллион сўми давлат бюджетидан қопланади. Шунингдек, умумий майдони 35 гектардан кўп бўлган интенсив боғларга сув чиқариш мақсадидаги 120 миллион сўмгача бўлган харажатлар учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

Бугунги кунда кўп тадбиркорларимизни тижорат кредити олишда кафиллик масаласи қийнаб келаётгани сир эмас. Эндиликда интенсив боғ барпо этиш учун олинадиган кредитнинг 50 фоизигача бўлган қисми Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик асосида

берилиши белгиланмоқда. Шунингдек, замонавий логистика марказлари, иссиқхоналар ва музлаткичли омборхоналар қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда юртимизда атиги 31 агрологистика маркази фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган 760 минг тонна сиғимга эга 1500 та музлаткичли омборхона мавжуд. Улар жами етиштирилган мева-сабзавотларнинг 4,5-5 фоизини қамраб олади, холос. 2019-2021 йилларда Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 3 миллион тонна сиғимга эга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сиғими 360 минг тонна бўлган жами 37 замонавий агрологистика марказлари ташкил этилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Қишлоқ хўжалигидагиислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. 2021 йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди." [1]

Мамлакатимиз Президентининг коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши кураш шароитида тадбиркорликни, жумладан, агрокластерларни қўллаб-қувватлашга оид қатор фармонлари соҳа вакилларига қаратилган юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси саналади. Ўз вақтида қабул қилинган ушбу ҳужжатларга мувофиқ сув солиғи 50 фоизга қисқартирилди, табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди, шунингдек, олинган кредитлар фоизларини тўлаш муддати узайтирилди. Энг асосийси, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2019 йилда пахта етиштириш учун олинган кредитларни қайтариш муддати кечиктирилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, пахта хомашёсини етиштиришда давлат буюртмаси тўлиқ бекор қилиниб, қишлоқ хўжалигида эркин бозор тамойиллари шакллана бошлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларидаги кластерлар жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг локомотиви бўлиши керак" ҳамда "кластер тизими – бу манфаатдорлик, соҳага илм-фан ва инновациянинг кириб келиши, қишлоқ хўжалигининг келажаги ва рақобатбардош бўлиши демакдир"[5]. Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги кластернинг ўрнини муносиб баҳолаганидан илҳомланиб, деҳқонлар ва чорвадорлар агрокластерлар раҳбарларининг вакилларига мурожаат билан чиқишлари ўзининг амалий ифодасини кўрсатмоқда.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, инновацион технологияларни қўллаш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборат. Жаҳон иқтисодиётида кластер

стратегиясидан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, АҚШ саноатининг 50 фоиздан ортиғини кластер таркибида фаолият юритувчи корхоналар ташкил этади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиғи айнан кластерда фаолият юритувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса кластерлар сони 2000 дан зиёдни ташкил этиб, уларда жами иш билан банд аҳолининг 38 фоизи фаолият юритади [6].

Шунингдек, кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоятда жойлашган турдош корхоналар ва улар билан ягона технологик занжирда фаолият юритувчи таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа турли хизматларни уйғунлаштиришдан иборат. Шу билан бирга, кластер инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш асосида корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати соҳасида кластерларни шакллантириш масаласи ўта долзарб ҳисобланиб, буни ижобий ҳал этиш мамлакат миқёсида вертикал йўналиш ва горизонтал тизимда, вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни, рақобат муҳитини ва кластерлаш имкониятларини аниқлаш асосида шунингдек, соҳага ихтисослашган таълим ва илм-фан ривожланаётган ҳудудларда шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Агрокластерларни тартибга солишда муаммолар мавжудлиги сезилмоқда. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш, манфаатдорлигини таъминлаш масалалари соҳада ишлаб чиқаришнинг замонавий усули – кластерлар тизими билан боғлиқ. Бироқ ўтган даврдаги тажриба кластерларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

– агросаноат кластерининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда агросаноат кластерининг мақоми, унинг мезонлари ва тугатиш асослари мавжуд эмас;

– агросаноат кластерларини ташкил этиш юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас. Мева-сабзавот кластерлари фаолияти ташаббускор, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама келишув асосида, шоличилик кластерлари ташаббускор ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлар билан тузиладиган икки томонлама битим асосида йўлга қўйилади;

– агросаноат кластерлари ва давлат ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмаган;

– фермер хўжаликларини агросаноат кластерларига мажбурий тартибда бириктирилиши амалиёти мавжуд;

– агросаноат кластерларига ер участкаларини ажратишда ягона ёндашув мавжуд эмас;

– агросаноат кластерларининг ер участкаларини олиб қўйиш ва фермерлар хўжаликлари билан шартномаларини бекор қилишда маъмурий аралашувлар мавжуд;

– агрокластерларнинг ривожланишига асосий туртки бўладиган қишлоқ хўжалиги кооперацияларини шакллантириш тизими мавжуд эмас;

– ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва эркин бирлашишга руҳий (психологик) жиҳатдан тайёр эмаслик, хўжалик юритишда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларининг етишмаслиги;

– кооперация тузилмаларини ташкил этишга агробизнеснинг ҳиссадорлик корхоналари, хусусий тадбиркорлари ва воситачилари томонидан қарши таъсир ва рақобатнинг мавжудлиги таъсир кўрсатмоқда.

Демак, инновацион иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий самарадорликни оширишда қишлоқ хўжалиги агрокластерларининг аҳамиятини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сонли қарорига мувофиқ Қашқадарё вилоятида дастлаб 9 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналарининг ташкил этилиши, яъни улар жумласига “Indorama Agro” МЧЖ, “Sulton Tex Group” МЧЖ, “Litai textel Overseas” ХК, “Bunyodkor” МЧЖ, “Oq Saroy klaster” МЧЖ, “Mirishkor nur Cotton klaster” МЧЖ, “MT Amir tex” QK МЧЖ, “Kitobipyigiruv” МЧЖ ва “Chiroqchiklaster” МЧЖ ташкил этилди [7]. Бугунги кунда ушбу корхоналар ўз фаолиятларини давом эттираётганлиги мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, агрокластерлар ва маҳсулот етиштирувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Агрокластер маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги ёки алоҳида ташаббуси бўйича ташкил этилиб, уни ташкил этишнинг муҳим жиҳатларидан бири иштирокчиларининг биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – сотиш – илмий-тадқиқот жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига ишончларининг юқорилиги ҳисобланади. Бугунги кунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтган давр таҳлили ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда агросаноат кластерлари фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Хорижий тажрибаларга эътибор қаратсак, АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Европа мамлакатлари тажрибасида агросаноат кластерлари фаолияти қонун, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Мазкур муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосида, жумладан шериклик шартномаси, кооперацияга бирлашиши орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда агрокластерларни барпо этиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ривожланган давлатлардан Жанубий Корея тажрибалари ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида амалда қўлланилмоқда. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қўшимча равишда республикада гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи, тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш вазифаси агрокластерлар фаолияти учун ўзига хос тажрибаларни қўллашни кўрсатади. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, агрокластерлар ва кооперация муносбатларини ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022- Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида”ги Қонуни 2021 йил 23 март.
3. 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор 2021 йил 3 март.
5. Мирзиёев Ш. “Қишлоқда кластер тизими — аграр секторининг асосий ўсиш нуқтаси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 15 октябрь
6. Муродов Ч., Хасанов Ш., Муродова М. Агрокластерларни ташкил этишда Жанубий Корея тажрибасидан фойдаланишнинг йўналишлари. Экономика и бизнес журнали, Тошкент, 2014
7. Қашқадарё вилояти агрокластерларининг 2020-2021 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий ҳисоботлари.
8. http://www.agro

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).